



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2026 йил – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 19 июнь, № 124 (9295)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАР БИЛАН КЕНГ КўЛАМЛИ ШЕРИКЛИК ҲАР ҚАЧОНГИДАН ҲАМ ЮҚОРИ ДАРАЖАГА КўТАРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 июнь куни Хорижий инвесторлар кенгашининг навбатдаги йиғилиши доирасида Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо бошчилигидаги делегация, Ўмон Султонлиги иқтисодиёт вазири Хамис бин Сайф ал-Жабрий бошчилигидаги делегация ва Янги тараққиёт банки президенти Дилма Русефни қабул қилди.



ЕТББ президенти Одиль Рено-Бассо бошчилигидаги делегация билан учрашувда Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан Янги Ўзбекистонда ислохотлар дастурини амалга ошириш доирасида амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенг кўламли шерикликни мустақамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Ушбу етакчи кўп томонлама молиявий институт билан стратегик шериклик бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам юқори даражада экани катта мамнуният билан қайд этилди. Бугун Ўзбекистон ЕТББнинг минтақадаги энг йирик ҳамкори ҳисобланади. Устувор йўналишлардаги лойиҳаларнинг умумий портфели

7 миллиард доллардан ошди. Инвестицияларнинг катта қисми хусусий секторни кўллаб-қувватлашга йўналтирилган.

Экологик транспортни ривожлантириш, темир йўл инфратузилмасини рақамлаштириш, тадбиркорлик, ипотека бозори ва мамлакат стартаплар экотизимини кўллаб-қувватлаш со-



ҳаларида янги келишувлар имзолангани мамнуният билан қайд этилди.

Жорий йилда кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш кўламини кенгайтириш, жумладан, экспортни молиялаштириш, аёлар ва ёшларни бизнес юритишга ўқитиш дастурларини амалга ошириш, қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат соҳаларини ри-

вожлантириш ҳамда банк-молия секторини трансформация қилиш жараёнларида иштироки этиш ва бошқа йўналишлар устувор этиб белгиланди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

Янги Ўзбекистон – АМАЛИЙ ИСЛОХОТЛАР МАЙДОНИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Хорижий инвесторлар кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

V Тошкент халқаро инвестиция форуми дастуридаги мазкур тадбир инвестициявий фаолликни ошириш, бизнес муҳитини яхшилаш, пировардида мамлакатимизга жалб этилаётган инвестициялар ҳажми ортишида муҳим ўрин тутмоқда.

Дарҳақиқат, Президент ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгаши ўтган даврда оддий маслаҳат

механизмдан амалий ислохотлар майдониغا, Янги Ўзбекистон билан жаҳон инвестиция ҳамжамияти ўртасидаги ишончли кўприкка айланди. Бугун эса у мустақил Ассоциация мақомига эга бўлиб, том маънода кучли институт даражасига кўтарилди. Охириги бир йил ичида кенгаш иштирокчилари сони 54 та компаниядан 85 тага етгани унинг нуфузи тобора

ортиб бораётганини кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари инвесторларнинг ташаббуслари давлат сиёсатида ўзининг амалий ифодасини топмоқда. Таклифларнинг салмоқли қисми асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштирилганини алоҳида таъкидлади.

Бу ғалғи мажлисга тайёргарлик жараёнида 120 та янги таклиф ва

ташаббус келиб тушган. Булар инвестиция муҳитини яхшилаш, солиқ тизими, кадастр, энергетика, молия ва банк тизими, корпоратив бошқарув, сунъий интеллект ва рақамли иқтисодиёт масалаларидир. Президентимиз, айниқса, қуйидаги таклифлар ҳозир ҳар қачонгидан ҳам долзарблигини таъкидлади. Хусусан, валюта айланмасидаги мониторинг жараён-

ларини енгиллаштириш, исломий сўғурта, “яшил” кредит, банк активлари бозорини йўлга қўйиш каби янги молиявий механизмларни жорий қилиш, корхоналарда атроф-муҳит, ижтимоий масъулият ва самарали бошқарувни ўз ичига олган “ESG” тамойилларини кўллашни рағбатлантириш.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИОРЛАР КЕНГАШИНИНГ ЯЛПИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Хурматли учрашув иштирокчилари! Хурматли Одиль Рено-Бассо хоним! Қадрли дўстлар!

Сизларни Хорижий инвесторлар кенгашининг навбатдаги ялпи мажлисида кўриб турганимдан хурсандман.

Авалло, хурматли Рено-Бассо хоним, ислохотларимизни доимий кўллаб-қувватлаб келаётганингиз ва Кенгаш фаолиятидаги самарали раислигингиз учун сизга чин қалбимдан миннатдорлик билдираман. Шу билан бирга, бугунги анжуманда қатнашаётган барча халқаро ташкилотлар ва хорижий компаниялар раҳбарларига самимий эҳтиромимни изҳор этаман.

Хурматли хонимлар ва жаноблар! Сўнгги йилларда Кенгаш оддий маслаҳат механизмидан амалий ислохотлар майдони-га, Янги Ўзбекистон билан жаҳон инвестиция ҳамжамияти ўртасидаги ишончли кўприкка айланди. Бугун Кенгаш мустақил Ассоциация мақомига эга бўлиб, том маънода кучли институт даражасига кўтарилди. Утган бир йил давомида Кенгашда иштирок этаётган компаниялар сони 54 тадан 85 тага етди. Улар иқтисодиётимизнинг 23 та тармоғини қамраб олиб, ишчи гуруҳлар фаолиятида бевосита иштирок этмоқда. Бундан ташқари, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки ва Халқаро молия корпорацияси Кенгашнинг Ижроия қўмитаси таркибига фаолият юритмоқда.

Этиборли томони, барча аъзоларимизнинг Кенгашдаги фаоллиги тобора ошмоқда. Бу — мазкур инвестиция платформасига бўлган юксак ишончнинг яққол далилидир.

Хурматли Кенгаш иштирокчилари! Сизлар билан ўтган йили ҳам учрашиб, кўп масалаларни гаплашиб олган эдик. Аввалги мажлисда илгари сурилган 21 та ташаббусга аниқ ечимлар берилди.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиман, инвесторларнинг ташаббуслари давлат сиёсатида ўзининг амалий ифодасини топмоқда. Таклифларнинг салмоқли қисми асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштирдик. Жумладан: Солиқ кодексига инвесторлар учун қўлай бўлган ўзгартиришлар киритилди; компаниялар ўртасидаги ички қарз битимлари молия назоратидан чиқарилди; асосий воситаларни тезлаштирилган тартибда амортизация қилиш ҳуқуқи берилди; халқаро стандартлар асосида ҳисобот юритувчи хорижий ширкатлар учун кўплаб мажбурий талаблар бекор қилинди.

Бундан ташқари, “Муқобил инвестиция жамғармалари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Масъулиятли бизнес юритиш стандартларини жорий этиш ҳамда 16 та техник регламентни халқаро меъёрларга мувофиқлаштириш дастури тайёрланди.

Шу билан бирга, хорижий инвесторларга тенг ва адолатли шароит яратиш бўйича халқаро мажбуриятларни ўз зиммасига олишда янги қадамлар ташладик. Яқинда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Халқаро инвестициялар ва кўп миллатли корхоналар тўғрисидаги декларациясига қўшилишимизни эълон қилдик. Ушбу йўналишдаги ишларнинг мантйқий давоми сифатида Тошкент халқаро молия маркази тўғрисидаги Конституциявий қонун қабул қилиниши қутлимоқда.

Буларнинг барчаси — гоёларингиз амалиётда татбиқ этилаётганига ёрқин далилдир.

Хурматли Кенгаш иштирокчилари! Утган даврда Кенгаш ҳузуридаги ишчи гуруҳлар томонидан инвесторлар учун 50 дан ортиқ фойдали йиғилишлар ўтказилди. Натижада муқобил инвестиция жамғармалари, гаров қонунчилиги, масъулиятли бизнес юритиш, профессионал

кадрлар тайёрлаш, солиқ маъмурчилиги, ер ажратиш ва энергетика каби устувор йўналишлар бўйича муаммолар хорижий инвесторлар ҳамраислигида атрофлича муҳокама қилинди.

Бугунги мажлисга тайёргарлик жараёнида сизлардан 120 та янги таклиф ва ташаббус келиб тушди. Уларнинг барчасини батафсил таҳлил қилиб, еттига устувор йўналишга бирлаштирилди. Булар: инвестиция муҳитини яхшилаш, солиқ тизими, кадастр, энергетика, молия ва банк тизими, корпоратив бошқарув, сунъий интеллект ва рақамли иқтисодиёт масалаларидир.

Айниқса, валюта айланмасидаги мониторинг жараёнларини енгиллаштириш; исломий сўғурта, “яшил” кредит, банкларнинг муаммолари активлари савдосини йўлга қўйиш каби янги молиявий механизмларни жорий қилиш; корхоналарда атроф-муҳит, ижтимоий масъулият ва самарали бошқарувни ўз ичига олган “ESG” тамойилларни кўлланишини рағбатлантириш каби таклифлар ҳозир ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир.

Шу боис, ҳар бир йўналиш бўйича масъуллар белгиланиб, аниқ ечимлар ишлаб чиқилди.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу долзарб вазифани ўз зиммасига олган ишчи гуруҳлар ҳамраислари: “Vision Invest”, “BDO”, “Crowe”, “OTF Group”, “Franklin Templeton”, “Ernst & Young”, “Kosta Legal” ва “ACWA Power” компаниялари раҳбарларига миннатдорлик билдираман.

Шунингдек, йил давомида самарали фаоллик кўрсатиб, муҳим ҳужжатлар ва пухта ташаббуслар тайёрлагани учун Кенгашнинг барча аъзоларига алоҳида ташаккур айтаман.

Хурматли хонимлар ва жаноблар! Энди бевосита мулоқотга ўтсак. Йил давомидаги таҳлилларингиз асоси-

да қандай муаммоларни аниқладингиз? Инвестиция муҳитини янада яхшилаш учун Ҳукумат нима ишлар қилиши керак?

Бугун ушбу залда Ҳукумат аъзолари — Бош вазир ўринбосарлари ва вазирлар иштирок этмоқда. Сизларни диққат билан тингласанг, ҳар бир муаммо ва тавсияни батафсил муҳокама қилишга тайёرمىз. Ишимизни янада самарали ташкил этиш бўйича таклифларингиз бўлса, уларни очiq мулоқот руҳида кўриб чиқамиз.

Албатта, бугун кўтариладиган барча масалалар умумлаштирилиб, мажлисимиз ақунлари бўйича ягона “Йўл харитаси” ишлаб чиқилади. Бош вазир ўринбосари Ж. Ҳўжаев ва Инвестициялар, саноат ва савдо вазири Л. Қудратов ҳар чорақда уларнинг ижроси бўйича менга шахсан ҳисобот бериб боради.

Энди фикр ва мулоҳазаларингизни эшитамиз.

Хурматли дўстлар! Бугунги мулоқотимиз гоёат мазмунли ва фойдали бўлди. Айниқса, амалий натижага йўналтирилган таклифларингиздан жуда хурсанд бўлдим.

Чин ҳамкорларимизнинг барча ташаббуслари халқимиз фаровонлиги ва инвестиция муҳитини яхшилашга хизмат қилади. Янги Ўзбекистонда очiq, барқарор ва рақобатбардош иқтисодиётни барпо этишга қўшаётган ҳиссангиз биз учун дом қадри.

Бу каби мулоқотларимиз қанча кўп бўлса, ишимиз шунча олдинга кетади. Барчангизга Кенгашимизда иштирок этганингиз учун самимий раҳмат айтмоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларга мустақам соғлиқ, профессионал фаолиятингиз ва шахсий ҳаётингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Ўзбекистон ва Германия: Ўзаро манфаатли алоқалар янада мустақамланмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан 17-18 июнь кунлари Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер рафиқаси ҳамроҳлигида расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

Қайд этиш кераки, икки кунлик ташриф дастури сермазмун бўлди. Ташрифнинг биринчи куни Ўзбекистон ва Германия давлат раҳбарларининг тор доирада ҳамда расмий делегациялар иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди. Бир қатор янги қўшма лойиҳа ва дастурлар ишга туширилди.

Давлатлар раҳбарлари ўтказилган музокаралар ақунлари бўйича қўшма баёнот қабул қилиб, кўп қиррали ҳамкорликни янада мустақамлашга интилишларини тасдиқладилар. Икки томонлама ҳужжатларни алмашиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Ўзбекистонда шахарларни барқарор ривожлантириш бўйича лойиҳаларни бажариш учун грант маблағлари ажратиш ва имтиёзли молиялаштиришни назарда тутувчи молиявий ҳамкорлик соҳасидаги келишувлар имзоланди.

Олий мартабали меҳмон 18 июнь куни Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказига ташриф буюрди.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази тарихий ва замонавий илм-фанини уйғунлаштирган, қўлёзма манбаларни рақамли технологиялар асосида ўрганишга хизмат қилувчи йирик халқаро илмий-маданий мажмуадир.

(Давоми 2-бетда).



Франк-Вальтер ШТАЙНМАЙЕР: Ўзбекистон СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ИШОНЧ БИЛАН РИВОЖЛАНТИРИШ МУМКИН БўЛГАН ДОИМИЙ ҲАМКОРГА АЙЛАНДИ

Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер Ўзбекистонга икки кунлик расмий ташрифи бўйича оммавий ахборот воситалари вакилларига олий даражадаги Ўзбекистон — Германия саммити ақунлари юзасидан интервью берди.

■ Эксклюзив интервью

— Ўзбекистонга ташрифимиз давомида бизни анъанавий ўзбекона меҳмондўстлик билан қутиб олишди. Бугун эса биз ўзига хос воқеликнинг гувоҳи ҳам бўлдик. Ўзбекистон миллий футбол терма жамоаси мустақилликнинг 35 йили мобайнида илк бор жаҳон чемпионатида йўлланмани кўлга киритгани билан бутун мамлакат ҳақли равишда фахрланмоқда.

Миллионлаб инсонлар муҳлислик қилган биринчи ўйин қутилганидек кечмади, бироқ олдинда гуруҳ босқичининг яна иккита учрашуви бор. Биз жамоага чин дилдан муваффақият тилаймиз ва унинг мусобақада янада олға боришига умид қиламиз.

(Давоми 2-бетда).



ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАР БИЛАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ШЕРИКЛИК ҲАР ҚАЧОНГИДАН ҲАМ ЮҚОРИ ДАРАЖАГА КЎТАРИЛДИ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таълим, соғлиқни сақлаш ва транспорт инфратузилмаси соҳаларида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини илгари суриш бўйича режалар кўллаб-қувватланди.

Лойиҳаларни тайёрлаш механизмларини такомиллаштириш ҳамда уларни амалга ошириш самарадорлигини яхшилаш мақсадида Европа тикланиш ва тараққиёт банки экспертларини жалб этишдан манфаатдорлик билдирилди.

Хорижий инвесторлар кенгашининг бўлажак тўртинчи йиғилиши шун тартиби ҳам кўриб чиқилди.

Ўмон Султонлиги иқтисодиёт вазир Хамис бин Сайф ал-Жабрий бошчилигидаги делегация билан учрашув аввалида юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Ўмон Султони Хайсам бин Ториқ Ол Саиднинг самимий саломини етказди.

Томонлар савдо-иқтисодий ва инвестиция-молиявий соҳалардаги ҳамкорлиқни жаллаллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашишди.

Сўнгги йилларда алоқаларимиз фаоллашган, товар айирбошлаш ҳажми ўсгани қайд этилди. Ўзбек — Ўмон инвестиция компанияси иштирокida муҳим лойиҳалар самарали амалга оширилмоқда. Кейинги ойдан пойтахтларимиз ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновлар йўлга қўйилди.

Шу йил Маскат шаҳрида Ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг навбатдаги йиғилишини ўтказишга келишиб олинди.

Мулоқотда транспорт, логистика,

геология, электрон тижорат, рақамли инфратузилма ва бошқа йўналишларда истиқболли лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Янги тараққиёт банки президенти Дилма Русеф билан мулоқотда мазкур халқаро молия институти билан ҳамкорлиқни, биринчи навбатда, аввалги учрашувлар давомида эришилган олий даражадаги келишувларни амалга ошириш доирасида янада ривожлантириш масалалари диққат марказида бўлди.

Дилма Русеф Ўзбекистондаги ислохотларни юксак баҳолаб, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларини келгусида ҳам кўллаб-қувватлашга тайёр эканини билдирди.

Ўзбекистон Янги тараққиёт банкига аззо давлатлар сафига қўшилгани мамнуният билан қайд этилди. Энергетика, сув ҳўжалиги, транспорт ва муҳандислик инфратузилмаси бўйича ҳамда хусусий сектор ва ижтимоий соҳани кўллаб-қувватлаш борасида банк экспертлари иштирокида ўрта муддатли қўшма лойиҳалар портфелини шакллантиришга келишиб олинди. Янги тараққиёт банкининг минтақавий аҳамиятга эга йирик транспорт-логистика лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этиши муҳимлиги таъкидланди.

Банкнинг юртимизда экологик трансформация бўйича амалга оширилаётган дастурлар ва лойиҳалардаги иштирокига алоҳида эътибор қаратилди.

Келгусида Ўзбекистонда Янги тараққиёт банкининг йирик тадбирларини ўтказиш режалари ҳам кўриб чиқилди.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ: ЎЗАРО МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Миллий меъморчилик анъаналари ва замонавий дизайн ёндашувлари уйғунлигида бунёд этилган марказнинг гўмбазлари, пеш-тоқлари ҳамда нафис нақш безаклари унинг бетакрор меъморий қиёфасини намоён этади.

Олий мартабали меҳмонга халқимиз тарихий тараққиётининг муҳим босқичларини ёритувчи “Исломдан аввалги цивилизациялар”, “Биринчи Ренессанс даври”, “Иккинчи Ренессанс даври”, “Ўзбекистон XX асрда” ҳамда “Янги Ўзбекистон — Янги Ренессанс” бўлимлари батафсил таништирилди. Ушбу экспозицияларда мазкур даврлар тарихи ноёб ашёлар, кўлёзма манбалар, фотоматериаллар ва замонавий мультимедиа воситалари орқали ёритилган.

Делегация вакиллари Куръони карим залида бўлиб, ислом оламнинг энг нодир ёдгорликларидан бўлган қадимий Ўсмон Мусҳафи билан танишди. Ушбу ноёб маъна ўзининг улкан тарихий ва маданий аҳамияти билан ташриф буюрувчиларда катта таассурот қолдиради.

Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер давлатлараро маданий мулоқот ва маънавий

яқинлиқни мустаҳкамлаб, глобал шароитда халқаро ҳамкорлиқни кучайтиришда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг ўрни беқиёс эканлигини таъкидлади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Германия Федератив Республикаси ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар бутунлай янги босқичга кўтарилди. Мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотлар икки томонлама иқтисодий шерикликка янги суръат бағишламоқда.

Бугун Ўзбекистон ва Германия иқтисодиётлари бир-бирини тўлдирувчи хусусиятга эга экани амалий лойиҳаларда яққол намоён бўлмоқда. Германия ўзининг илгор технологиялари ва юқори сифатли саноат ускуналари билан мамлакатимизга учун энг ишончли ҳамкорлардан бирига айланди.

Лойиҳани кенг кўламда амалга ошириш, замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида пойтахтимизнинг Бектемир туманидан 8 гектардан ортиқ ер майдони ажратилган. Корхонанинг қисқа фурсатда тўлиқ қувват билан ишга тушиши ва юқори самарадорликка эришишида Ўзбекистондаги қулай тадбиркорлик муҳити, бюрократик тўсиқларнинг йўқлиги ҳамда қонунчилик даражасидаги кафолатлар муҳим пойдевор бўлди.

Ушбу лойиҳа нафақат иқтисодий, балки катта ижтимоий аҳамиятга ҳам эга. Бугунги кунда корхонада фаолият юритаётган

ликаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер мазкур қўшма корхонада ҳам бўлди. Германиянинг етакчи технологиялари ва миллий йўл қурилиш аъёналари асосида ташкил этилган ушбу корхона инфратузилмаларий тараққиёт йўналишида самарали фаолият олиб бормоқда. Икки давлат раҳбарларининг муҳим келишувлари ҳамда Ўзбекистон Ҳукуматининг тегишли қарори ихроси доирасида 2021 йилда иш бошлаган мазкур субъект қисқа муддатда миллий йўл инфратузилмасини халқаро стандартлар даражасида янгилашининг муҳим даражасидан бирига айланди.

Лойиҳани кенг кўламда амалга ошириш, замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида пойтахтимизнинг Бектемир туманидан 8 гектардан ортиқ ер майдони ажратилган. Корхонанинг қисқа фурсатда тўлиқ қувват билан ишга тушиши ва юқори самарадорликка эришишида Ўзбекистондаги қулай тадбиркорлик муҳити, бюрократик тўсиқларнинг йўқлиги ҳамда қонунчилик даражасидаги кафолатлар муҳим пойдевор бўлди.

Ушбу лойиҳа нафақат иқтисодий, балки катта ижтимоий аҳамиятга ҳам эга. Бугунги кунда корхонада фаолият юритаётган

ликаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер мазкур қўшма корхонада ҳам бўлди. Германиянинг етакчи технологиялари ва миллий йўл қурилиш аъёналари асосида ташкил этилган ушбу корхона инфратузилмаларий тараққиёт йўналишида самарали фаолият олиб бормоқда. Икки давлат раҳбарларининг муҳим келишувлари ҳамда Ўзбекистон Ҳукуматининг тегишли қарори ихроси доирасида 2021 йилда иш бошлаган мазкур субъект қисқа муддатда миллий йўл инфратузилмасини халқаро стандартлар даражасида янгилашининг муҳим даражасидан бирига айланди.

Франк-Вальтер ШТАЙНМАЙЕР:

ЎЗБЕКИСТОН СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ИШОНЧ БИЛАН РИВОЖЛАНТИРИШ МУМКИН БЎЛГАН ДОИМИЙ ҲАМКОРГА АЙЛАНДИ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айни дамда биз Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ёнида турибмиз. Унинг номига эътибор беринг: гап дин ҳақида эмас, айнан цивилизация ҳақида бормоқда. Бу Марказий Осиёнинг ислом-гача ва ислом даври тарихи ҳақида таъсирчан тарзда ҳикоя қилувчи йирик илмий-маърифий марказдир.

Албатта, биз бу ерга фақат мамлакатнинг бой маданияти ва тарихи билан танишиш учун келмадик. Ташрифнинг биринчи кунида асосий эътибор Ўзбекистон Президенти билан бўлган музокараларга қаратилди. Биз сиёсий ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш, иқтисодий алоқаларни кенгайтириш истиқболларини, икки мамлакат одамлари ўртасидаги алоқаларни чуқурлаштириш йўлларини муҳожма қилдик.

Германия технологиялари Ўзбекистонда яхши танилган ва юқори қадрланади. Кўплаб немис компаниялари мамлакат иқтисодиёти ривожига аллақачон салмоқли ҳисса қўйиб келмоқда. Айни пайтда ҳамкорлик салоҳияти ҳали тўла ишга солинмаган. Айнан шунинг учун ҳам мен бу ерга нуфузли ишбилармонлар делегацияси ҳамроҳлигида келишни муҳим деб ҳисоблайман.

Ташрифимиз арафасида Ўзбекистон идоралари, корхоналари ва немис компаниялари ўртасида қатор музокаралар бўлиб ўтди ва уларнинг натижасида янги келишувлар имзоланди. “Volkswagen” компанияси Ўзбекистонда ишлаб чиқариш корхонасини қуриш ва ишга тушириш тўғрисида қарор қабул қилганини мамнуният билан қайд этаман.

“Rhenus” компанияси йирик логистика маркази лойиҳасини амалга ошираётган бўлса, “Henkel” мамлакатдаги сармоиявий иштирокини кенгайтирмоқда. Булар Германия бизнесининг Ўзбекистонга қизиқи-



ши ортиб бораётганини яққол кўрсатувчи бир нечта мисол ҳолос.

Бу кўп жиҳатдан минтақанинг ўзига хос географик жойлашуви билан ҳам боғлиқ. Марказий Осиё ёнгирига йилдан ортиқ вақтдан бери ўзгаришларни тортиб келадди. Германия нуктаи назаридан, бу минтақа Европа ва Осиё ўртасидаги энг муҳим кўприқдир. Ўзбекистон ўзининг буловчи бўлган сифатидаги ролини доимо англаб келган ва ана шу стратегик устунликка таяниб изчил сиёсат юритган.

Одамлар ўртасидаги алоқаларга келсак, яқин йилларда улар фақат кенгайиб боришига ишончим комил. Бугун Ўзбекистондан бўлган малакали муносабатларга Германияда осонроқ ишга жойлашиш имконини берадиган янги Миграция ва мобиллик тўғрисидаги битим ҳизмат қилади.

Бундай имкониятларга қизиқиш анча юқори. Ўзбекистон аҳолиси ҳар йили тахминан бир миллион кишига кўпайишмоқда. Кўплаб ёшлар учун касбий камолотга

эришиш нафақат ички меҳнат бозори, балки хорижда ишлаш истиқболлари билан ҳам боғлиқ.

Шу билан бирга, бугунги кунда Германия ягона йўналиш эмас. Бутун дунёда малакали кадрлар учун рақобат кетмоқда ва биз бу ҳақиқатни инобатга олишимиз зарур. Бироқ бизнинг маккеимиз анча мустаҳкам кўринади. Ҳозирги вақтда 400 мингдан зиёд Ўзбекистон фуқаролари немис тилини ўрганмоқда ва Германияга қизиқувчилар сони ортишда давом этапти.

Авалл ҳам таъкидлаганимдек, Марказий Осиё ёнгирига йилдан зиёд профессионал фаолиятимда алоҳида ўрин тутди. 2006 йили Германия ташқи ишлар вазирлигида ишлаётганимда ушбу минтақа билан янада фаолроқ ҳамкорлик қилиш ташаббусини илк бор илгари сурган эдим. Уша пайтларда биз ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги алоқалар анча кечиккан, минтақа давлатларининг ўзаро муносабатлари эса мураккаблигига қолаёт-

ни йўлга қўйишга қаратилган. Бу эса мамлакатимизда ёшлар бандлигини таъминлаш ва уларнинг ҳаҳон меҳнат бозорида рақобатбардошлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Олий мартабали меҳмон икки давлат ўртасидаги меҳнат миграцияси соҳасидаги тизимли ташаббуслар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш дастурларига алоҳида қизиқиш билдирди.

Бугунги кунда Германиянинг 38 та йирик шерик-иш берувчи ташкилоти билан тўғридан-тўғри изчил алоқалар ўрнатилган. Айнан шу ҳамкорлик натижасида немис меҳнат бозорида Ўзбекистонлик мутахассислар учун 73 мингдан ортиқ бўш иш ўринлари тақлиф қилинган бўлиб, ҳозирги кунгача ушбу йўналишда 5 минг 500 нафар фуқаро германиялик иш берувчиларга бириктирилди.

Ташриф доирасида, айниқса, тиббиёт ва соғлиқни сақлаш йўналишидаги қўшма лойиҳалар алоҳида эътироф этилди.

Германия Президенти немис тили ва касб-хўнаяр сирларини ўрганиб, Германияга ишга кетишга тайёргарлик кураётган Ўзбекистонлик ёшлар билан самимий мулоқот қилди. Ёшларнинг билимга бўлган интилиши ва немис тилини мукаммал эгаллагани юқори баҳоланди.

Шу билан Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг Ўзбекистонга ташрифи якунланди.

И. АВАЛЛОЕВ,
М. ҲОЖИҚАБАРОВА,
Б. ҲОЖИБЕРДИЕВ,
ЎзА мухбири.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – АМАЛИЙ ИСЛОҲОТЛАР МАЙДОНИ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Буларнинг барчаси батафсил таҳлил қилиниб, еттига устувор йўналишга бирлаштирилди. Шунингдек, ҳар бир йўналиш бўйича масъуллар белгиланиб, аниқ ечимлар ишлаб чиқишни қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу долзарб вазифани ўз зиммасига олган ишчи гуруҳлар ҳамраислари — “Vision Invest”, “BDO”, “Crowe”, “OTP Group”, “Franklin Templeton”, “Ernst & Young”, “Costa Legal” ва “ACWA” компаниялари раҳбарларига миннатдорлик билдирди.

Сармоя учун янги майдон

Сирасини айтганда, V Тошкент халқаро инвестиция форумида эришилган натижалар ҳали кўп овозга бўлади. Чунки бу анжуман тинчлик, фаровонликка ҳизмат қилувчи ва бизнес аҳли ўртасидаги ғоялар алмашинуви учун ўзига хос майдонга айланди.

АҚШ иқтисодий гигантлари билан учрашув чоғида давлатимиз раҳбари энергетика, инфратузилма, муҳим хомаша материаллари, логистика, АКТ ва фармацевтика соҳаларидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун Ўзбекистон — АҚШ қўшма инвестиция платформаси ишга туширилганини эълон қилди. Янги механизм “DFC”, АҚШ Эксимбанки (EXIM) халқаро экспертлари, Ўзбекистон Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси мутахассислари иштирокида ишлаб чиқилган. Давлатимиз раҳбари ҳузурида мазкур ҳужжатни “DFC” бош ижрочи директори Бен Блэк, EXIM раиси Жон Иванович, инвестициялар, саноат ва савдо вазир Лазиз Қўдратов ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директори Шухрат Вафоев имзолади. Платформа Ўзбекистонда АҚШ ва унинг иттифоқчилари учун қизиқish уйғотадиган стратегик инвестиция лойиҳаларини излаш ва қўллаб-қувватлаш билан шўғулланиши кутилмоқда.

Форум доирасидаги шўбча йиғилишида сўзга чиққан иқтисодиёт ва молия вазири маслаҳатчиси Жасур Қаршибоевнинг таъкидлашича, 2030 йилга бориб Ўзбекистоннинг ЯИМ ҳажми 240 млрд. долларга етиши ва мана шу натижа билан юртимиз даромади ўртачадан юқори бўлган мамлакатлар қаторига қириши кутилмоқда. Бу жараёнда АҚШ сармоядорларининг иштироки тез орада намоён бўлади. Чунки яқинда Ўзбекистоннинг ривожланиш индекслари дунё рейтинг компаниялари томонидан юқори баҳоланди ва бу ҳам инвестициявий жозибадорлиқни таъминлаётди.

Қорақалпоғистон — бизнес учун қулай, имтиёзли макон

Форумда бошқа ҳудудлар қатори Қорақалпоғистонга оид бизнес лойиҳалар тақдимотига ҳам жиддий эътибор қаратилди. Чунки бу ҳудуд геологик жиҳатдан ер ости нодир металлarga бойлиги, давлат томонидан қўшимча ра-

вишда турли имтиёзлар белгилангани боис чет элликларни қизиқтирмоқда.

Авалроқ Президентимиз қарорига кўра, “Besqala Mining Valley” махсус майнинг зонаси ташкил этилган ва бу махсус зона бутун Қорақалпоғистон ҳудудини қамраб олиши белгиланган эди. Сунъий интеллект лойиҳалари ва дата-марказлар маконига айланажак мазкур зонада инвесторлар 2040 йилгача барча турдаги солиқ ва божлардан озод қилинади. Йўл, электр, сув инфратузилмаси давлат ҳисобидан қуриб берилди.

Қолаверса, 1 киловатт-соат электр энергияси учун 5 цент миқдорида имтиёзли тариф қўланади. Шу билан бирга қўртимизда махсус ҳуқуқий режими эга бўлган Ўзбекистон халқаро рақамли технологиялар маркази ҳам пайдо бўлиши кутилмоқда. Буларнинг барчаси форумда видео усулида намоийш этилиб, лойиҳа тарзида меҳмонларга тақдим қилинди.

2 миллиард долларлик келишув

Бу рақам ортида ўзаро ишонч, ҳудудлар орасидаги интеграция, сармояларни жойлаштиришга интилиш ва ўзаро борди-кедилларнинг самарадорлиги турибди. Сармояни эркин жойлаштириш ва кўпайтириш учун бизнес муҳити қатори мамлакатдаги осийишталлик, давлатнинг тўғри ва оқилона сиёсат юритаётгани ҳам жуда муҳим. Бу борада жамиятда ҳуқуқий кафолат устуворлиги таъминланса, давлат чет эл сармояларининг эркин тасарруф этилиши, бошқарилиши ва кўпайишини ҳимоя қилса, масофа муҳим эмас.

Вьетнамнинг “ROX Group” компанияси билан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Бухоро вилояти ҳокимлиги ўртасида имзоланган инвестиция битимини ҳудди шу жиҳат билан баҳолаш мумкин. Бир қарашда икки давлат ўртасидаги масофа анча олис, авиақатнов ҳам эндигина кўпаймоқда. Шунга қарамай Бухоронинг ўтмиши ва бугунги иқтисодий кўрсаткичлари, шарқона маданият у сайёҳлик ва бизнес имкониятлари “ROX Group” раҳбариятининг эътиборини тортди.

Келишувнинг қиймати ҳам кичик эмас: 2 миллиард АҚШ доллари — замонавий кўп функцияли шаҳар мажмуасини бунёд этиш бўйича иккита инвестициявий лойиҳа. Ундан бизнес-марказ, тураржойлар, ижтимоий ва инфратузилма объектилари, шунингдек, ободонлаштириш тизимлари, истироҳат боғлари ўрин олган. Барчаси сунъий интеллект устуворлиги ва замонавий бошқарув, қулайлик муҳассамлашган ҳолатда бунёд этилади.

Мухтасар айтсак, вьетнамлик тадбиркор Бухорода янги бир инновацион шаҳар қуришни қўлаётди. Мақсади — Ўзбекистонда узок муддатли бизнесини йўлга қўйиш. Мана, сизга форумнинг яна бир меваси.

V Тошкент халқаро инвестиция форуми ана шундай тенг манфаатли инвестиция келишувларига ўта бой бўлди.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ставкани йиллик 14 фоиз даражасида ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида қарор қабул қилди.



СОҒЛОМ ҲАЁТ ВА БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА

Яқинда Президентимиз томонидан “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига гиёвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналогларининг ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи учун жавобгарлиқни такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги Қонуннинг имзолангани бу борадаги ишларни янада самарали ташкил этиш заруратидан келиб чиқади. Чунки бундай моддалар савдоси ва истеъмоли алоҳида бир шахснинг соғлиғига зарар etkaziш билан чекланмай, оила тинчлиги, ёшлар тарбияси, таълим муҳити, маҳалла осойишталиги ва бутун жамият барқарорлигига жиддий таҳдид солади.

Фикр

Қонунда гиёвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг қонунга хилоф муомаласига нисбатан жавобгарлиқни қучайтиришга қаратилган муҳим нормалар белгиланган. Хусусан, гиёвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналогларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш ёхуд қайта ишлаш мақсадида ғайриқонуний нарколаборатория ташкил этганлик учун 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилмоқда. Шунингдек, бундай моддалар истеъмоли ёки тарқатиш учун бангхона очиш ёхуд сақлаш ёки гиёвандлик воситалари муомаласига ҳомийлик қўрастиш каби ҳаракатлар учун ҳам жиноий жавобгарлиқ қучайтирилган давлатимизнинг ушбу иллатга нисбатан қатъий ва муросасиз муносабатини ифода қилади.

Гиёвандлик — инсон саломатлиги, руҳий барқарорлиги ва ижтимоий ҳаётига оғир зарар etkazadigan хавфли иллат. У инсоннинг жисмоний ҳолатини издан чиқаради, онгни қарамликка олиб келади, унинг мустақил фикрлаш, соғлом қарор қабул қилиш, ҳаётий мақсад сари интилиш имкониятларини сусайтиради. Янада хавфлиси, жамиятда жисмоний носоғлом авлодларнинг қўйалишига сабаб бўлади.

Маъжур иллатнинг оқибатлари фақат тиббий муаммо билан чегараланмайди. Гиёвандлик қўллаб ҳолларда оилавий келишмовчиликлар, ижтимоий беқарорлик, жиноятчилик, лоқайдлик, меҳнатга лаёқатнинг пасайиши, ёшлар орасида мазъалиятсизлик ва маънавий бўлиқлик каби салбий ҳолатларга сабаб бўлади. Гиёвандлик воситаларининг ноконуний савдоси ортда инсон тақдирини, қарор келажаги ва жамият тинчлигига хавф солувчи манфаатлар туриши барчамизни ҳушёрликка қорлайди.

Шу боис ҳам гиёвандликка қарши кураш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси эмас. Бу борада оила, маҳалла, таълим муассасаси, педагоглар, зиёвilar, ёшлар етакчилари, жамоатчилик вакиллари ҳам бирдек масъул. Чунки бундай иллатнинг олдини олишда энг самарали йўл ёшларни онгли, билимли, маънавий жиҳатдан етук ва ҳаётга масъулият билан қарайдиган шахс сифатида тарбиялашдир. Айниқса, ёш авлодни гиёвандлик каби хавфли иллатлардан асраш бугунги куннинг

масъулиятни ҳис этади. Шу сабабли, ёшларни китоба, илмга, илганишга ва маърифатга йўналтириш гиёвандликнинг олдини олувчи профилактик ишларнинг ажралмас қисми сифатида қаралиши лозим.

Гиёвандликнинг олдини олишда оила, маҳалла ва таълим муассасалари ўртасидаги самарали ҳамкорлик ҳам алоҳида ўрин тутати. Ота-оналар фарзандларининг бўш вақтини қандай ташкил этаётганига, қимлар билан мулоқот қилаётгани, қандай ахборот манбаларидан фойдаланаётгани ва қайси йўналишда қизиқиш билдираётганига доимий эътибор қаратиши лозим. Таълим муассасалари эса ёшларнинг руҳий-маънавий ҳолати, қизиқишлари ва эътиҳадларини ўрганиб бориш, зарур ҳолларда уларга психологик, ҳуқуқий ва тарбиявий ёрдам қўрастиш орқали профилактик ишларнинг самарадорлигини оширади. Бундай ҳамкорлик ёшларни салбий таъсирлардан асраш ва соғлом ижтимоий муҳитни шакллантиришга хизмат қилади.

Президентимиз томонидан имзоланган ушбу қонун, аввало, инсон қадри, ёшлар саломатлиги ва жамият келажагини ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятини. Унда белгиланган қатъий қоралар гиёвандлик воситалари ва психотроп моддалар савдосига нисбатан муросасиз муносабатни янада қучайтиради. Қонунбузарликка нисбатан жазонинг муқаррарлигини таъминлаш, бундай жиноятларга шароит яратадиган омилларни бартараф қилиш ва фуқароларда ҳуқуқий масъулиятни оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Гиёвандликка қарши кураш — бу нафақат ҳуқуқий ёки тиббий масала, балки маънавий, тарбиявий, ижтимоий ва умум-миллий аҳамиятга эга муҳим вазифа. Президентимиз томонидан имзоланган қонун жамиятимизни гиёвандлик воситалари ва психотроп моддалар таҳдидидан ҳимоялаш, ёшлар саломатлигини асраш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва соғлом ижтимоий муҳитни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Барча зиёвilar ушбу қонуннинг мазмун-моҳиятини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш, уларни зарарли одатлардан огоҳ қилиш, китобхонлик, илм-фан, спорт ва ижтимоий фаолликка йўналтиришни муҳим вазифа деб билиши лозим. Чунки онгли, билимли, китобхон, маънавий жиҳатдан етук ва ўз келажагига масъулият билан қарайдиган ёшлар гиёвандлик каби хавфли иллатларга қарши энг мустаҳкам ижтимоий қудир. Соғлом фикрли авлод — соғлом жамиятнинг, соғлом жамият эса тараққий этган давлатнинг мустаҳкам пойдевори.

Боҳром АБДУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Мудофеа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

Акс садо ГЛОБАЛ МОЛИЯ БОЗОРЛАРИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ – ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИНГ МУҲИМ ҚИСМИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг V Тошкент халқаро инвестиция форумидаги нутқи мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида инвестициявий сиёсат, ҳуқуқий кафолатлар ва

глобал молия бозорларига интеграция масалалари давлат иқтисодий стратегиясининг устувор йўналишига айланганини яна бир бор аққол намоён этди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистонга 150 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестициялар жалб қилинган бўлса, шундан 123 миллиард доллари охириги беш йилга тўри келмоқда. Бу рақамлар мамлакатимизда амалга оширилётган ислохотлар халқаро инвесторлар томонидан ижобий қабул қилинаётганини, Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкор сифатидаги нуфузи ортиб бораётганини англатади.

Бугун жаҳон иқтисодиётида рақобат нафақат табиий ресурслар, ишлаб чиқариш қувватлари ёки арзон ишчи кучи атрофида, балки, аввало, ишончли ҳуқуқий муҳит, капиталнинг эркин ҳаракати, шаффоф тартиб-таомиллар ва мустақил суд қафолатлари атрофида кечмоқда. Шу маънода,

ланадиган институционал платформадир. Тошкент халқаро молия марказининг ҳуқуқий асослари Конституциявий қонун билан мустаҳкамланиши, иштирокчилар учун жозибадор солиқ тизими яратилиши, фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, мол-мулк солиғи ва божхона божлари ноль фоиз этиб белгиланиши, шунингдек, капиталнинг эркин ҳаракати, исталган валютда ҳисоб-китоб қилиш имконияти қафолатланиши, албатта, уни инвесторлар



тижорат низоларини ҳал этишда кенг қўлланилади. Унинг асосий устунлиги — қоидаларнинг аниқлиги, суд амалиётининг барқарорлиги ва тарафлар эркин кенг ўрин берилишидир. Шу сабабли, халқаро инвесторлар қўн ҳолларда шартномаларни айнан Англия ҳуқуқи асосида тузишни афзал қўради.

Тошкент халқаро молия маркази бир неча йўналишда хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Буларга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини кенгайтириш, Ўзбекистон капитал бозорини ривожлантириш, молиявий хизматлар соҳасини диверсификациялаш, Ўзбекистонни минтақа-вий инвестициявий ва ҳуқуқий ҳабага айлантириш каби йўналишлар қилади.

Шунингдек, бугун дунёда сармоя оқимлари тобора экологик барқарорлик, энергия самарадорлиги, қайта тикланувчи энергия манбалари ва иқлим лойиҳаларига йўналтирилмоқда. Ўзбекистонда ҳам энергетика, транспорт, коммунал хўжалик, сув тежовчи технологиялар ва соаноати модернизация қилиш бўйича катта эътиҳ мавжуд. Марказ тақдим этаётган “яшин” молия инструментлари ана шу лойиҳаларга халқаро капитални йўналтиришнинг самарали воситаси бўлиши мумкин.

Тошкент халқаро молия марказининг ташкил этилиши Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, капитал бозорини ривожлантириш, молиявий хизматлар соҳасини диверсификация қилиш ва мамлакатни минтақа-вий молиявий-ҳуқуқий ҳабага айлантиришга қаратилган тарихий аҳамиятга эга қадам. Ушбу марказ инвесторлар учун қафолатланган халқаро ҳуқуқий ҳимоя, бизнес учун қўлай молиявий муҳитни, мамлакат иқтисодиёти учун эса янги ўсиш манбаларини яратилиши билан жуда муҳимдир.

Улўбек ШЕРМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар, мудофеа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.

ЧУҚУР БИЛИМ ВА ҚАТЪИЙ ИРОДА САМАРАСИ

ёхуд охириги беш йил ичида Ўзбекистон пахтачилигида нималар ўзгарди?

Бугун дунё эътибори Ўзбекистонга қаратилган. V Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида юздан ортиқ мамлакатлардан келган давлат ва ҳукумат раҳбарлари, нуфузли халқаро молия институтлари, йирик компаниялар, жағғармалар вакиллари ва етакчи ишбилармонлар Ўзбекистоннинг сармоявий салоҳияти, иқтисодиёт тармоқлари жозибадорлиги, ишлаб чиқариш имкониятлари қўлаи билан қийдан танишмоқда. Бу

Нуқтаи назар

Ҳаммаси оғир савол билан бошланди

2021 йил охири 2022 йил бошларида давлатимиз раҳбари Ўзбекистон пахтачилигидаги ҳақиқий ҳолатни атрофчила таҳлил эткан экан, ўртача савол қўйди. Чунки пахта ҳосилдорлиги гектарига ўртача 32 центнер атрофида бўлиб, баъзи йилларда эса бундан ҳам пастга тушиб кетарди. Бу кўрсаткич билан Австралия, Хитой ёки Туркия каби мамлакатлардан жуда орқда қолаётганимизни тан олиш оғир эди. Кенг далалар, сероб қуёш, асрий дехқончилик аънаналари, меҳнатқаш фермерлар — буларнинг барчасига эга юрт неча бундай паст натижа билан чекланиб қолди?

Энг оғири шу эдики, кўпчилик бу саволга аниқ жавоб йўқ деб ўйларди. Ўша кезлари йиғилишларда турли тақилфлар янгради: навларнинг барчасини алмаштириш керак, хориждан мутахассис олиб келиш жоиз, бошқа мамлакатлар тажрибасини тўлиқ қўйириб олиш даркор. Баъзилар эса бу соҳани батамом ташлаб, бошқа йўналишга ўтиш вақти келди, деб ҳам гапирди.

Айнан шу пайтда Президентимиз Шавкат Мирзиёев оғир, аммо жасур тугумга келди. Яъни ечим фақат хорижда ёки широда эмас, ўзимиздаги илмда, ўзимиздаги тупроқда, ўзимиздаги фермерда ва тизимли бошқарувда эканини англаб, Президент ҳузурида Пахтачилик кенгашини тузиш ҳақида оқилона қарор қабул қилди. Бу кенгаш фақат маслахатчилар давраси эмас — далага чиқадиган, ечим берадиган, натижа қўрастидиган тирик илмий-амалий механизм бўлиши лозим эди.

Сурат эмас, моҳият ўзгарди

Яқинда “Nature Portfolio” тизимига кирувчи нуфузли халқаро илмий нашрлардан бири — “Scientific Reports” журналида чоп қилинган Пахтачилик кенгаши аъзолари тадқиқотлари натижалари акс этган мақола халқаро ҳамжамиятнинг кенг эътиборини тортиди. Унда 2021 —

жараёнда чет эллик инвесторлар эътиборини озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги соҳалари ҳамда уларда қўшимча қиймат занжирини яратиш билан боғлиқ лойиҳалар кўпроқ тортмоқда. Чет эллик меҳмонлар, айниқса, илгари мажбурий меҳнат “ўчоғи” сифатида қаралган Ўзбекистон пахтачилигида юз бераётган сифат ўзгаришларига катта қизиқиш билан қарамокда. Сабаби соҳа кейинги йилларда илм-фан ютуқларига асосланган инновацион ривожланиш босқичига қадам қўйди.



2025 йиллар давомида Ўзбекистон пахтачилигида қўлга киририлган ютуқлар, сифат ўзгаришлари миллий ишлаб чиқариш маълумотлари, статистик таҳлиллар, беш агро-иклимий ҳудуд мисолидаги баҳолашлар ва замонавий технологиялар самараси асосида очиб берилди.

Хулоса оддий, аммо кучли: беш йил ичида Ўзбекистонда пахта ҳосилдорлиги гектарига 3,24 тоннадан 4,55 тоннага кўтарилди. Ўсиш — 40,4 фоиз! Эътиборли жиҳати, шу даврда пахта майдонини 15,1 фоизга қисқартиган ҳолда, яъли ҳосил 19,3 фоизга ошди. Бошқача айтганда, қамроқ ерда кўпроқ ҳосил олинди. Бу фақат рақам эмас, бу — фикрлаш тарзи ўзгарганининг исботи.

Бу натижа ортида, аввало, кенг ислохотлар бошловчиси, замонавий илм-фан ва инновациялар ривожига шароит яратган, фермерлар манфаатига йўналтирилган қишлоқ хўжалиги тизимини барпо этган давлатимиз раҳбари турибди. Шу жараёнда илҳомланиб, ҳар бир ҳудудда қарчмай ишлаган 150 дан ортиқ олим ва мутахассислар, 56 мингдан ортиқ фермер ва кластер вакиллари, ойма-ой далага чиқиб тавсия берган, хатони қузаган, натижани ўлчаган ва амалиётни ўзгартирган Пахтачилик кенгаши аъзоларининг ҳиссаси ҳам бениҳоя катта бўлди.

Олимлар бунчи ўш тажрибасида чуқур ҳис қилди: илм пастга — далага тушиб, фермерга вақтида етса, натижа ўз-ўзиндан пайдо бўлади. Ва ушбу ҳақиқатни дунёга қўрастиш имкони туғилди.



ладан нафас олди. Беш йил давомида қўн иш қилинди, аммо асосийларини санаб ўтишнинг ўзи ҳам янги тизим пахтачилигига қандай ўзгаришларга асос бўлганини рўйирос қўрастатади.

Биринчидан, уруғчилик тизими тубдан ислох қилинди. Мазлўм бўлдики, қўллаб далаларда бир хил нав 8 — 10 йил, айрим ҳудудларда эса 20 — 25 йил ўзалуқсиз экиб келинган. Бу нима дегани? Қасаллик ва зараркундандалар ана шу навга мослашиб қоллиши оқибатида навнинг ҳосилдорлиги секин-аста тушиб боради. 2022 — 2025 йиллари 41 минг гектардан ортиқ майдонларда нав алмаштириш ишлари амалга оширилди.

Иккинчидан, экиш услублари ўзгартирилди. Эски 90 сантиметрли семадан 76 сантиметрли интенсив семага ўтиш — бу фақат қатор оралигини қисқартириш эмас. Гектарига 100 — 110 минг тупдан 200 — 240 минг тупга ўтиш ҳосилни гектарига 20 центнергача оширади. Бугун ушбу тартиб 653 минг гектардан ортиқ майдонларни қамраб олмақда. “Шинжон интенсив агротехнологияси” деб аталган ушбу услў жорий этилган 5 600 гектар майдонда 60 — 75 центнердан ҳосил кўтарилди.

Учинчидан, тупроқ ва сув илмий назоратга олинди. Кенгаш аъзолари фермерлар билан биргаликда тупроқ таҳлили ўтказди, “азот — фосфор — калий” нисбатини тузатиш, микроэлементлар тақчиллигини аниқлади. 50 мингдан ортиқ фермер хўжалиқларида тупроқ таҳлили асосида ўғитлаш тизими жорий этилди. Сув тежамакорлигида ҳам жиддий натижага эришилди: яхоб суви бермасдан ёки уни минималлаштирган ҳолда ер тайёрлаш амалиёти 9 мингдан ортиқ фермер хўжалиқларига кириб борди.

Тўртинчидан, биотехнология ва янги навлар соҳага йўналтирилди. 2024 йилдан бошлаб қўсак қўртига ва гербицидга

рида ҳам синовдан ўтди ва натижа берди. “Порлок” ҳамда “Равнак” навлар сериялари — биз яратган ва дунёга тақдим этган махсуслотлар. Улар минтақада биринчи бор тижоратга чиқарилган “RNAi” ва “MAS” асосидаги навлар сирасига қиради.

Яна бир юксак натижа: иқлим, тупроқ ва шароит турлича бўлишига қарамай Фарғона водийсидан Қорақалпоғистонгача — барча ҳудудларда ҳосилдорлик ошди. Марказий текисликларда ўсиш 45,7 фоизни, Орол денгизи ҳудудларида 43,5 фоизни ташкил этди. Бу сиёсат ва технологиянинг тизимли эканини қўрастатади. Бу тасодиф эмас, бу — янги тизимнинг меvasи.

Ушбу натижа бир кишининг ёки кенгашнинг муваффақияти эмас. Бу — Сирдарёда тонг отмасдан далага чиқиб, янги экиш схемасини биринчи бор синаб қўрган фермернинг меҳнати. Бу — Қашқадарёда иссиқ ёзда, қуриб кетишдан хавотирланмасдан, дефолиация вақтини тўри белгиланган агрономнинг масъулияти. Бу — Хоразмда тиндирилган уруғни биринчи бор экиб қўришга журъат этган дехқоннинг ишони. Бу — Андижонда кенгаш тавсиясига амал қилиб, 76 сантиметрли схемага ўтиб, ҳосилини икки баравар оширган кластернинг тажрибаси.

Бу бу, энг аввало, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек пахтачилигининг янги даври учун яратган ислохотлар пакети, соҳани фан ва амалиёт асосида янгилашга берган ишончи ва сиёсий иродасининг самарасидир.

Бу ерда гап дунё олдидики обрў ёки нуфузли журнал эътирофида ҳам эмас. Бу — Фарғона водийсидаги фермернинг меҳнати рўёбга чиққани. Бу — Сирдарёдаги дехқоннинг ҳосили далада эмас, ошборда тургани. Бу — Қашқадарёдаги ёш агрономнинг биринчи марта ўзи ишонган технологиядан натижа қўргани. Бу — ғўзанинг “мероси” далада қолмагани: у қўсакда, толада, фермер даромадида ва бугун дунё тан олаётган илмий мақолада яшаётгани!

Бу — Янги Ўзбекистон пахтачилигининг янги ҳикояси. Бу ҳали бошланиши.

«Оқ олтин»нинг янги маъноси

Тадқиқотимизда 2030 йилгача прогноз ҳам берилган. Бу ҳаёлий рақамлар эмас, бу — яратилётган тизимнинг мантиқий давоми. 2027 йилдан маҳаллий “Bt/Gt” навлар кенг майдонларга, дастлаб 100 минг гектарга кириб боради. Шинжон интенсив агротехнологиясини жорий этиш 80 фоиз майдонни қамраб олиши кутилмоқда. Томчилатиб сўғориш, интенсив экиш, ўз вақтида ўтказилган дефолиация ва янги навлар биргаликда ишлаганда, 2030 йилга бориб ўртача ҳосилдорлик гектарига 6 тоннага, яъни бугунгидан яна 30 фоизга ошиши мумкин. Бу Австралия қўрастқичига яқинлашиб, дегандидир. Ўзбекистон пахтачилиги “орқда қолган” деган тарихдан “дунёга ўрнак” бўлувчи тарихга қадам қўймоқда.

Аммо прогноз — ваъда эмас, мажбурият. Агар биз ҳар бир фермер даласига тавсияни олиб кириш интизомини сақласак; навлар алмашинувини режали давом эттирсак; дефолиация ва десикацияни вақтида ва тўғри амалга оширсак; кенгаш аъзоларининг ойлик ҳисоботлари ва дала қўнлари жонли амалиёт бўлиб қолса; ёшлар ва агрономлар янги технологияларни ўзлаштириш бўйича ўқитилишда давом этса, у ҳолда 2030 йилга бориб пахтачилигимизда янги тарихий саҳифа очилади.


Ўнлаб йиллар давомида “оқ олтин” биз учун фақт сўзи бўлган. Аммо унинг маъноси вақт ўтиши билан оғирлашди. Мажбурий меҳнат, ҳам ҳосил, Орол фожиаси, тупроқ қарчаси — булар ҳам “оқ олтин” тарихининг бир қисми.

Эндиликда биз янги маъно яратмоқдамиз. Ўзбекистон пахтачилиги бугун “кўпроқ майдон” эмас, “кўпроқ билим” манбаига айланмоқда. Қисқарган майдондан ошаётган ҳосил — бу фақат иқтисодий ютуқ эмас. Бу — табиятга нисбатан масъулиятимиз, сувни тежаш, тупроқни асраш ва фермер даромадини инсоний қадр-қиммат билан қўраштиришнинг белгиси.

“Scientific Reports” журналида бу тажриба дунёга тақдим этилди. Дунё эса уни “барқарор интенсивлаштириш” намунаси сифатида қабул қилмоқда. Марказий Осиё, Африка ва Ўрта Шарқнинг сўғориладиган пахтачилик минтақалари учун Ўзбекистон модели ўрганишга арзийдиган тажрибага айланмоқда.

Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирини, Президент ҳузуридаги Пахтачилик кенгаши раиси, академик.

ЯНГИ ТАРИХ ЁЗИЛГАН ЁРҚИН ТОНГ



«Жаҳон чемпионати — 2026»

2026 йил 18 июнь. Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси АҚШ, Канада ва Мексика яшил майдонларида ташкил этилган жаҳон чемпионатида илк ўйинини Жанубий Американинг кучли жамоаларидан бири бўлган Колумбияга қарши ўтказди.

ни тўғри танлаб, рақиб ҳужумини муваффақиятли бартараф этди. Уттизинчи дақиқада эса Элдор Шомуродов ўзига хос маҳоратини намойиш қилди. Тезкор ҳужумда рақиб ҳимоячисини чиройли алдаган ҳолда хавфли вазият яратди.

Уйиннинг энг ёрқин лаҳзаси эса 60-дақиқага тўғри келди.

Достонбек Хамдамов чап қанотдан бошлаган ҳужумни Элдор Шомуродов зарба билан давом эттирди. Дарвозабондан қайтган тўпни эса Файзуллаев бош билан бўш қолган дарвозага йўллади. Г-о-о-о-л-л-л! "Аббосбек! Аббосбек!", "Аббосбек Файзуллаев!" Бу ном энди футбол скаутлари тилида ҳам айланаётгани ҳақида ижтимоий тармоқларда ёзишмоқда.

Зеро, бу оддий гол эмас эди. Бу Ўзбекистон футболининг жаҳон чемпионатлари тарихидаги илк голи бўлди.

Яқунда Колумбия терма жамоаси 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Бирок майдондаги воқеалар, уйиннинг мазмунини ҳисобдан анча кенгроқ таассурот қолдирди. Буни футбол ихлосмандлари ҳам қуйидагича эътироф этишмоқда.

"Аббосбек, яшавор ўзбек ўғлони!" "Ёмон уйнамадик, Колумбия хозирда Бразилиядан ва Аргентинадан кучли".

"Колумбия билан тенгма-тенг уйнадик. Айрим жойларда хато бўлди. Йигитлар зўр уйнашди. Кейинги ўйинларда омад ёр бўлсин!"

Тарихий гол муаллифи **Аббосбек Файзуллаев** ҳам мухлислар қалбидagi ҳиссиётларни ўйин нихосидаги интервьюсида қуйидагича ифодалади:

"Натижадан, албатта, хафамиз, чунки очко олишимиз мумкин эди. Болалар бори беришди. Барибир биринчи дақиқаларда ҳаяжон бўлди, лекин иккинчи тайм



жамоамиз сафидa энг юқори баҳони айнан тарихий гол муаллифи Аббосбек Файзуллаев олди. Ярим ҳимоячимиз 7,1 баҳога лойиқ кўрилди.

Уйин яқунлангач терма жамоамиз бош мураббийи **Фабио Каннаваро** матбуот анжуманида қуйидаги фикрларни билдирди:

"Авалламбор, биз Ўзбекистонни бутун дунёга ижобий намойиш этиш учун бу ерга

стадионда, мухлислар қаршисида ўйнаш осон эмас".

Фикрлар жамоа ичидаги руҳий муҳит барқарорлигини ва келгуси ўйинларга ишончини яққол кўрсатиб турибди.

Тарихий учрашув ва тарихий гол мамлакатимиз раҳбари эътиборидан ҳам четда қолмади. Пойтахтимизда ўтаётган Хорижий инвесторлар кенгашининг навбатдаги ялпи йиғилишида **Президентимиз Шавкат Мирзиёев терма жамоамизга алоҳида тўхталиб: "Ўзбекистон учун тарихий кун. Мурасасиз, жуда қизгин кечган ўйинда футболчиларимиз жаҳон мундиалида биринчи марта жуда катта тажрибали жамоага қарши ўзининг кучли характериини кўрсатди. Осон эмас! 34 йил биз кутган воқеа содир бўлди. Футболчиларимиз кучли характери, жисмоний тайёргарлиги ва иродасини яққол намойиш этди, десак, бу ҳам тўғри. Биз учун чемпионатдаги биринчи голимиз — бу ҳам ғалаба. Бир нарсани айтмоқчиманки, биз ватанпарвар ва фидойи ёшларимиз билан фахрланамиз ва улар ҳозирги Ўзбекистоннинг ҳақиқий қаҳрамонлари.**

Ҳали олдимизда жуда кўп имкониятлар бор. Фарзандларим, қаҳрамонларим кўп нарсага қодир эканликларини билдирди. Биз уларга фақат омад тилаймиз. Олга, Ўзбекистон!" деди.

Дарҳақиқат, бугунги натижа таълобдаги ҳисоб билангина ўлчанмайди. Учрашув Ўзбекистон футболининг дунё футбол харитасидаги янги манзилини белгилаб берди. Ёшларимиз кўркмасдан ўйнашини, кучли рақибларга қарши курашшини ва энг муҳими, мундиал сахнасида гол ура олишини исботлади.

Бу ҳали охири эмас. Аксинча, катта йўлнинг бошланиши. Энди уларов мақсадлар, аҳду шахдлар навбатдаги сновга қаратилган. Чунки яшил майдонда кеча тарих ёзилган бўлса, эртага янги саҳифаларни битиш имконияти ҳали футболчиларимизнинг қўлида.

Улугбек РЎЗИМАТОВ
(«Халқ сўзи»).



бошланганидан кейин ўз ўйинимизни кўрсатишни бошладик. Гол уришга ҳам муваффақ бўлдик. Ўзимизнинг хатоимиз сабаб иккинчи голни ўтказиб юбордик. Барибир бу алам қилади, лекин Ўзбекистонда туриб ёки мана шу стадионга келиб қўллаб-қувватлаган барча футболсеварларга катта раҳмат айтаман. Эрталабки соат еттида туриб, бу ўйинни кўрган барча мухлисларимиздан миннатдоримиз. Олдимизда ҳали иккита ўйин бор ва бор эътиборимизни Португалияга қаратамиз".

Нуфузли "Sofascore" наشري ҳам ушбу учрашув учун баҳоларни эълон қилди. Терма

келдик. Мен доим жамоамга ўйин давомида фаол ҳаракат қилиш кераклигини айтиб келаман. Колумбия сингари жамоаларга қарши ўйнаш, тўпсиз ҳаракат қилиш осонмас. Умуман олганда, иккинчи бўлимда яхши ҳаракат қилдик, бироқ афсуслик гол ўтказиб юбордик.

Биз шу стадионда ўтган ўйинни эслаб қоламиз. Чунки бу тарихий ўйин. Биз жаҳон чемпионатидамиз. Бугунги ўйин биз учун яхши бўлди деб айта оламиз. Хатолар бўлди, улар устида ишлаймиз. Футболчиларимдан фахрланаман. Улар яхши ўйнашди. Бугун қийин ўйин бўлди. Бундай

Мутолаа

ЎТМИШ ВА КЕЛАЖАК ТУТАШГАН НУҚТАДА

Баъзан бир китобнинг дунёга келиш фурсати ҳам унинг мазмунини қадар маъноли бўлади. Шарофиддин Назаровнинг "Эврилиш нуқталари: тарих ва келажак" асари айни шундай палла — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги ва соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 690 йиллиги бир-бирига туташган бир онда китобхон қўлига етиб келди. Бу тасодиф эмас. Муаллиф икки сананинг ёнма-ён туришида чуқур раъсий маъно кўради ва ўқувчини ҳам шу раъсни илғашга чорлайди. У ўтмишга иқтисодчи кўзи ва депутатлик масъулияти билан ҳолисона назар солади.

Тарих текис оқавермайди. Унда шундай паллалар бўладики, бир қарор, бир иродади қадам ёки бир уйғониш бутун халқ тақдирини ўзгартиради. Муаллиф айнан ана шундай бурилиш онларини, яъни тарихнинг "эврилиш нуқталари"ни таҳлил марказига қўяди. Шу нуқтаи назардан, китоб номининг ўзи бир даъват. Ўтмишнинг қотиб қолган хотира эмас, балки бугунги қарорларимизга сабоқ берадиган тирик тажриба сифатида ўқиб даъвати.

Китоб икки фикр оғушида очилади. Биринчи — Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тарихни ўрганмай туриб келажакни кўриб бўлмаслиги, ёшларга тарихни тўғри ўргатиш эса ҳар қандай ёт гоёга қарши энг кучли қалқон экани ҳақидаги сўзлари. Иккинчиси, таниқли тадқиқотчи Малколм Гладуэлл таърифи: "эврилиш нуқтаси" — гоё ёки ижтимоий ҳулқ-атвор маълум чегарадан ошиб, бирдан кенг тарқала бошлайдиган лаҳза. Шу икки нигоҳ миллий ва жаҳоний китобнинг бутун руҳини белгилаб беради.

Муаллиф Янги Ўзбекистон ислохотларига бўлган воқеликни беркитмайди. Тадбиркорни "расмий" ва "реал" валюта курси ўртасида бўлган иккиқлама тизим, нақд пул тақчиллиги, ёпиқ чегаралар. У Ўзбекистоннинг минтақа қоқ марказида туриб ҳам ўзини "мустақам девор" билан ўраб олгани, транзит ва савдо имкониятларидан маҳрум бўлгани ҳақида очик ёзади. Давлат бошқаруви эса халққа эмас, юқорига ҳисобот беришга айланиб қолганини таъкидлайди. Бу фикрлар "Давлатчилик пойдеворининг бўзилиши", "Таназул сабаблари", "Сирли занжир" каби бобларда чуқурлашиб боради. Муаллифнинг ўша давр давлат бошқарувини занглаб қолган, фақат юқоридан катта куч билан айлантирилгандагина ишлайдиган мурраккаб машинага қиёслаши узоқ ёдда қоладиган образ.

Муаллиф ҳиссиётга эмас, рақамга таянади. У ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига улуши 1991 — 2015 йилларда расмий курсда уч барабар (650 доллардан 2130 долларга) ошган бўлса-да, бозордаги ҳақиқий курс бўйича атиги қарийб 40 фоизга кўтарилганини, яъни расмий рақамлар ортида фаровонлик деярли ўзгармаганини далиллар билан кўрсатади. Ана шу таҳлилий аниқлик асарга ишонч бағишлайди.

Шу билан бирга, китоб 1991 йилдан бошланмайди. Муаллиф тарқоққидан марказлашган давлатчиликни барпо этган ва Уйғониш даврини бошлаб берган Амир Темури сиймосидан то таназул, совет даври "пахта якяхақимлиги" ва мустақилликка қадар бўлган узоқ йўлни кўзатади. Шу боис давлатчиликнинг чўққиси ва мустақиллигимиз синови асарнинг икки кутбидир.

Асарнинг биринчи кутби — Амир Темури сиймоси. Соҳибқирон тарихда тарқоққилик билрикка, бошбошдоқликни тартибли давлатчиликка айлантирган шахс сифатида намойиш бўлади. Унинг "Куч — адолат" деган ҳаётий ақида, марказлашган давлат барпо этиши, илм-фан ва меъморчиликка кўрсатган ҳоийлиги бугун ҳам давлатчилик дарси бўлиб хизмат қилади.

Иккинчи кутб — мустақилликнинг 35 йили. Муаллиф уни



ҳам тарихимизнинг буюк эврилиш нуқтаси сифатида талқин қилади. Халқимиз ўз тақдирини ўз қўлига олган, давлатчилигимиз қайта тикланган сана. Сўнгги йилларда "Янги Ўзбекистон" шиори остида амалга оширилаётган ислохотлар эса инсон қадрини улуглаш, адолат, очиклик ва қонун устуворлиги ўша темурий давлатчилик мантиғининг замонавий давомий сифатида гавдаланади.

Энг муҳими, китоб ташхис билан чекланмай, даво сари юради. Унинг сўнгги боблари "Янги бошқарув фалсафаси", "Тадбиркорлик феномени", "Бирлаштирувчи куч" ва "Бирлик бор жойда тириклик бор" Янги Ўзбекистон ислохотлари мантиғини очиб беради ва нигоҳни келажакка қаратади.

Таъкидлаш керакки, муаллиф ўз мулоҳазаларида ҳақноҳақлик даъвосини қилмайди. Аксинча, хато ва камчиликлари бўлса, ўқувчидан кўрсатиб ўтишни сўрайди. Бундай камтарлик ва очиклик унинг фикрларига алоҳида ишонч уйғотади.

Китобнинг ўзига хослиги, шубҳасиз, муаллиф нигоҳининг алоҳидлигиди. Шарофиддин Назаров иқтисодчи олим, Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раҳбари. Шу боис у тарихга фақат воқеалар тизими сифатида эмас, балки давлат бошқаруви, иқтисодий тартиб ва институтлар нуқтаи назардан ёндашади. Бу ёндашув асарга таҳлилий теранлик ва амалий аҳамият бахш этади.

Энг муҳими, китоб номидаги иккинчи сўз: келажак. Муаллиф ўтмишга нафақат хурмат, балки масъулият билан назар солади. "Эврилиш нуқталари" бугунги авлодга бир савол ташлайди: биз ўз давримизнинг қайси қарорлари билан тарих йўналишини белгилаймиз? Адолат, билим, инсон капитали ва пухта давлатчилик... Муаллиф айнан шу қадриятларни келажак пойдеворига қўяди.

"Эврилиш нуқталари: тарих ва келажак" — ўтмиш билан истиқболни бир кўприкда туташтирган самимий ва теран мулоҳазалар тўплами. У тарихини сеувчи ҳар бир ўқувчи, айтиқса, келажак эгалари бўлиши ёшларга ўз ўтмишидан фахрланиш ва ундан сабоқ олиш туйғусини бирдек ҳадя этади. Бундай китоблар жамаиятимизнинг тарихий хотирасини мустаҳкамлайди ва миллий ўзлигимизни англаш йўлида ёруғ маёқ бўлиб хизмат қилади.

НОДИР ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси раиси, иқтисодийёт фанлари доктори, профессор.

Амалдаги Меҳнат кодексидa белгиланган қоида ва нормаларни кенг тушунтириш мақсадида 3 жилддан иборат «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига илмий-амалий шарҳ» китоби тайёрланди.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 22 376 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб оқиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.



Таҳриратта келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунали расмийлаштирган таъкилот жаовбар.

Газета таҳриратта компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик ҳажатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.

Мусахҳиш — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Туюр кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.30 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши